



# Ў Қ У Қ У Қ

1997-йил 27-avgustdan chiqq boshlagan

www.huquq.uz

2019-й. 18-АПРЕЛ, №16 (1161)

**ДАСТУР  
ДОИРАСИДА  
11 НАФАР  
ФУҚАРОГА 218,7  
МЛН. СЎМ КРЕДИТ  
АЖРАТИЛДИ.**

4

**«ТРАМАДОЛ  
ЛАННАХЕР» ДОРИ  
ВОСИТАЛАРИНИ  
СОТАЁТГАН ШАХС  
АШЁВИЙ ДАЛИЛЛАР  
БИЛАН УШЛАНДИ**

8

**ЭРИНИНГ  
ЎТМИШИДАН  
ХАБАР ТОПГАН  
АЁЛ ПАСПОРТИНИ  
ОЛИБ, УЙИДАН  
ЧИҚИБ КЕТДИ.**

9

**КОРХОНА  
ХОДИМИНИНГ  
ЎЗИ ЭЛЕКТР  
ЭНЕРГИЯСИГА  
НОҚОНУНИЙ  
УЛАНИБ ОЛГАН  
ЭКАН.**


10



**«Аҳмадбой»  
номи билан  
танилган  
молиявий  
пирамида  
асосчисининг  
«давомчиси»  
фуқаролардан  
пул, автомашина,  
қорамол ва  
бошқа қимматли  
буюмларни икки  
баробар қилиб  
қайтариш  
эвазига қабул  
қилиб олишни  
йўлиб, катта  
миқдорда  
пул жамғаришга  
эришди.**


4-бетда

## «Кўча болалари»? уларнинг тақдирига ким жавобгар?



**БУГУН ТУРМУШИНИ ЯНАДА  
ФАРОВОН ҚИЛАМАН, ДЕБ  
БОЛАЛАРИНИ ЎЗГАЛАР  
ҚАРАМОҒИДА ҚОЛДИРИБ,  
ЧЕТ ЭЛЛАРГА КЕТАЁТГАН  
ЁХУД АРЗИМАГАН ИКИР-  
ЧИКИРЛАРНИ БАҲОНА  
ҚИЛИБ, БОЛАЛАРИНИ  
МЕХРИБОНЛИК УЙЛАРИГА  
ТОПШИРАЁТГАН ОТА-  
ОНАЛАР ТАЛАЙГИНА.**

5-бетда



## ЁХУД ТЎЛОВ УЧУН ТЎЛОВ ҚАНЧАЛАР АСОСЛИ?

**ГАЗ УЧУН ТЎЛОВЛАРНИ ПОЧТА БЎЛИМЛАРИ  
ОРҚАЛИ ТЎЛАСАНГИЗ, ПУЛИНГИЗ ЮЗ ФОИЗ  
ХИСОБ РАҚАМИНГИЗГА ТУШМАСЛИГИДАН  
ХАБАРДОРМИСИЗ?**

6-бетда



# ОТА-ОНАЛАРГА ЭСЛАТМА!



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси ҳамкорлигида ота-оналар учун фарзанд тарбиясига оид кўргазмали шаклдаги эслатмалар тайёрланди. Шулардан айримларини ҳавола этамиз.



ФАРЗАНДИНГИЗНИНГ ХАЁТИДА ТАРБИ  
БУЛАЁТГАН МУАММОЛАРИ ВА  
КЎБИР ҲАВАСЛАРНИ БИЛАН ДОИМИЙ РАВИШДА  
КЎЗИМИЗ БЎРИМ.



БОЛАГА БОСИМ ЎТҚАЗМАСДАН МУОАМА  
ҚИЛИНГ. БУ БИЛАН СИЗ УНИ МУСТАҚИЛ ҚАРОР  
ҚИЛУШ ҚИЛҲИЧАГА БЎРИМ БЕРМΗΣ.



ФАРЗАНДИНГИЗ БИЛАН МУЛОҚОТ УЧУН ВАҚТ  
АЖРАТИШГА ҚАРАКАТ ҚИЛИНГ.



БОЛА ЭНГ АВВАЛО ОИЛАДА ҚУРГАНЛАРИНИ  
УРГАНАДИ. ОТА-ОНА УЛАРГА УРНАК БЎЛАДИ.

### Хурматли ота-оналар!

Агар сиз фарзанд тарбиясида, у билан муносабатда ва мулоқотда муаммоларга дуч келаятган бўлсангиз, Республика болалар иқтисодий мошлав маркази мутахассисларига мурожаат қилишингиз мумкин.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
ТОШКЕНТ Ш. – 0371281-60-18  
ФАРҒОНА Ш. – 0373244-64-71  
САМАРҚАНД Ш. – 0368) 233-69-09

Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокуратураси  
Вояга етмаганлар ишлари бўйича  
республика идоралараро комиссияси

# ХАЛҚ ТАЪЛИМИДА ЯШИРИЛГАН ЖИНОЯТ

Навоий вилоят прокуратураси томонидан вилоят халқ таълими бошқармасининг ички аудит ва молиявий назорати хизмати томонидан 2018 йил 12 ойи давомида умумий ўрта таълим муассасаларида ўтказилган ўрганишлар натижаси мутахассислар иштирокида таҳлил қилинди.

Алишер ЖАМОЛОВ,  
Навоий вилоят прокурорининг  
катта ёрдамчиси



## КОРРУПЦИЯГА ЙЎЛ ЙЎҚ

Адилжон УБАТОВ,  
Сирдарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Боёвут туманида Коррупцияга қарши курашиш бўйича Сирдарё вилоят идораларо комиссиясининг навбатдан ташқари сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни комиссия раиси — вилоят прокурори Р.Машарипов олиб борди.

Мазкур йиғилишда жорий йилнинг биринчи чорагидаги комиссия фаолияти, вилоят маданият бошқармаси тизимдаги коррупциявий вазият таҳлили ҳамда Боёвут туман маданият бўлими бошлиғи Р.Т.нинг бўлим қошида ташкил этилган тўғрақ раҳбари Г.Темировани ишда қолдириш эвазига ундан 500 минг сўм бўлини кадрлар хизмати бош мутахассиси орқали олган пайнда қўлга тушгани ҳолати муҳокама қилинди.

Содир этилган коррупциявий ҳолат юзасидан вилоят Маданият бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ш.Мисралиев, кадрлар бўйича бош мутахассис М.Қаршибоева ва туман ҳокимининг соҳа бўлини ўринбосари берган тушунтиришлар эшитилди.

Муҳокама натижасига кўра, вилоят маданият бошқармаси тизимида коррупция жиноятларининг олдини олиш борасида тегишли чора-тадбирлар белгиланган бўйича идораларо комиссиянинг қарори қабул қилиниб, ижро учун тегишли муассасаларга юборилди.

Адолатсизлик тегирмонига сув қуюдиган порахўрлик, тамағирлик каби иллатлар бартараф этилмаса, олди олинмаса, ҳар қандай жамият тараққиётига тушов бўлаверди. Шу боис тараққийпарвар жамиятларда, аввало, адолатсизликни келтириб чиқарувчи иллатларга қарши мurosасиз курашилади. Юртимизда ҳам бу борада кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.


## Фириб иш бермади

Бекзод ХУЖАМУРАТОВ,  
Бош прокуратура ҳузуридаги  
МИБ бошқарма катта инспектори

Мажбурий ижро бюроси органлари томонидан доимий равишда тезкор тадбирлар ўтказилиб, аниқланган ҳолатлар бўйича қонуний чоралар қўрилмоқда. Мисол учун, Учтепа туман газ таъминоти участкаси ноизири Илмир Мирзаев (исм-фамилиялар ўзгаририлган) туманда яшовчи фуқаро С.Содиқованинг хонадонига келиб, ушбу хонадоннинг табиий газ истеъмолидан 1 миллион 300 минг сўм қарздорлиги вужудга келганини айтади ва қўлга киритилган маблағни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборди.

Мазкур ҳолат бўйича қонунбузарга нисбатан жиноят иши кўзгатилади.

Қаллоблик, тилёғламалик ортидан шахсий манфаат топаман, одамларни чув тушираман, деб юрган техникўр, фирибгар кимсаларга сиз ҳам дуч келишингиз эҳтимолдан холи эмас. Бундай ҳолатлар ҳар биримизни хушёрликка, огоҳликка ундайди.



## ОИЛА ДАРОМАДИ МАНБАИ

Асосий кундалик эҳтиёж маҳсулотларини ўз томорқасида етиштириб, буниқ устига рўзғоридан ортганини бозорга чиқариб, дастурхонини тўқин қилаётган, яхшигина даромад топаётган меҳнатқаш, тадбиркор оилалар анчагина. Бироқ, бир оилани обод қилувчи ердан оқилона фойдаланмаётган, шунингдек, моддий ёки жисмоний имконияти етмаётган хонадонлар ҳам, афсуски, учраб турибди.

Хукуматимиз томонидан фермер, деҳқон ва томорқа ер эгаларига кенг имкониятлар яратиб берилаётгани сабаб, оила томорқаларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари кундан-кунга ортиб, сифати ва харидорлиги билан ички бозорда ўз ўрнини топаётти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида" - ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳамда туман ҳокимларининг тегишли қарорлари қабул қилинган. Аҳоли ва деҳқон хўжаликларини томорқаларидан самарали фойдаланиш, аҳолининг турмуш тарзини янада яхшилаш, соғлом турмуш тарзи қўникмаларини шакллантириш, аҳоли турар-жойларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, энг асосийси, қишлоқ жойларда яшаётган меҳнатга лаёқатли фуқароларни иш билан таъминлаш ишларини тизимли ташкил қилиш масаласида самарали ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, жорий йил 22 февраль куни давлат раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам аҳоли томорқаларига юқори даромадли экинлар экилишини тизимли ташкил этиш масаласи муҳокама қилиниб, бу борада аниқ вазифа ва топшириқлар белгилаб берилди. Самарқанд вилоят прокуратураси органлари томонидан бу борада қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Ишчи гуруҳлар ва сектор раҳбарлари томонидан хонадонма-хонадон юрилиб, томорқадан фойдаланишнинг реал ҳолати ўрганилиб, тушун-



тириш бериш билан бирга, амалий ёрдамлар кўрсатилаяпти.

Айни вақтда Самарқанд вилояти 2-сектор ҳудудиди 700 дан зиёд иссиқхона ташкил этилди, 3,5 мингга яқин кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг томорқа ерларига экин экилишида амалий кўмак берилди. 4 минг 300 кг. уруғ, салкам 26 мингта ниҳол-қўчатлари, 29 минг дона мевали дарахт қўчатлари етказиб берилди.

Шунингдек, 5038 хонадоннинг ариқ ва зовурлари тозаланиб, 784 гектар майдондаги томорқа ерларининг сув таъминоти яхшиланди. Худудлардаги

9 минг 500 гектардан ортиқ ёки 97 фоиз томорқа ер майдонларида экин экилиши таъминланди. 795 бош чорва моллар, 4300 дона парранда етказиб берилди. Шу жумладан, фермер хўжаликларига, хомийлик ва бошқа манбалар ҳисобидан 4664 кг. уруғ, 78 902 дона

## Сектор ҳудудиди 700 дан зиёд иссиқхона ташкил этилди.

қўчат, 115 072 дона мевали дарахт, 5871 дона манзарали дарахт, 90 дона чорва бош сони ва 789 дона парранда тарқатилган. 231 нафар фермерга 2 842 та хонадон бириктирилган.

Қилинган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар туман ва вилоят штаблариди кунлик таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш бўйича аниқ манзилли чоралар қўрилаяпти. Аҳоли томорқа майдонларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича маҳалларда ердан самарали фойдаланиш, экилган қишлоқ хўжалиги экинлари агротехникасига доир зарурий маслаҳат ва кўрсатмалар берилаяпти. Молия идоралари томонидан 8 387 та кам таъминланган ва имконияти чекланган оилаларга 43312 туп мевали дарахт ва ток қўчатлари ҳамда 27 282 кг. картошка ва сабзавот экинчи уруғлари етказиб берилган.

Прокурорлар секторидида аҳоли томорқаларига жами 311 минг 700 сўмлик маблағ ишлатилди. Томорқа экинларининг сув таъминотини яхшилаш мақсадида 14 дона сув насоси етказиб берилди, 555 км. ариқ ва зовурлар тозаланди, 4 970 та хонадоннинг сув таъминоти яхшиланди. Томорқа майдонларидан талаб даражасида фойдаланмаётган 54 537 та хонадон эгалари ер солиғи ставкасининг 3 баравар оширилган миқдори қўлланилиши тўғрисида огоҳлантирилди.

JARAYON

Алишер ТУРУМОВ,  
Самарқанд вилоят прокуратураси  
бўлим бошлиғи



# Халқ дарди билан яшаш — олий саодат

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги "Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланиши таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2019 йил 8 январдаги "Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳонгир ФАЗИЛОВ,  
Кўкон шаҳар прокурори

мактабларида қиш мавсумида табиий газ таъминоти қониқарсиз даражада эканлиги аниқланиб, уларнинг иситиш тизимидаги носозликлар секторнинг аралашуви билан бартафат этилиди ва янги замонавий иситиш қозонлари ўрнатилиши таъминланди.

Бундан ташқари, Кўкон давлат педагогика институти қошидаги академик лицейда ўтказилган ўрганишда, лицейнинг ёритиш тизими қониқарсиз аҳволга келиб қолганлиги аниқланиб, сектор аъзоларининг амалий ёрдами билан ёритиш тизими қайтадан соҳа ҳолатга келтирилди.

Сектор худудидида мавжуд умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларида мунтазам равишда давомат тадбирлари ўтказиб борилмоқда. Ўрганишлар натижасида аниқланган муаммолар юзасидан 32-сонли мактабгача таълим муассасасида, 1-сонли академик лицейда ва шаҳар Болалар шифохонасида таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Президентимизнинг 2019 йил 19 март куни ёшлар маънавиятини ошириш, уларнинг бўш вақтини ташкил этишда кўмак бериш, ёшлар орасида китоб ўқишни тарғиб қилишга бағишланган йиғилишдаги ташаббуси асосида сектор худудидида "Жамоатчилик кутубхонаси" ташкил этилди. Ушбу кутубхонага сектор томонидан 2000 дан ортқ турли ёшдаги китобхонлар учун мўлжалланган адабиётлар совға қилинди.

Бундан ташқари, сектор аъзолари томонидан сектор худудидида жойлашган аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш борасида барча маҳаллаларда мониторинг тадбирлари ўтказилди. Ўрганишларда 5,5 гектар томорқа ер майдонлари борлиги аниқланиб, 4,1 гектарига сабзавот ва полиз экинлари ва 1,4 гектарига мевали дарахт кўчатларининг экилиши таъминланди. Томорқадан самарали фойдаланишни таъминламаган 291 та хонадон соҳибларига ер солиғи ставкасининг 3 баравар оширилган миқдорда солиқ кўлланиши ҳақида огоҳлантириш хатлари тарқатилди. Сектор ишчи гуруҳи томонидан томорқа ер майдони эгаларига 396 кг. картошка уруғлиги, 560 туп мевали, 280 туп манзарали дарахт ниҳоллари ва 600 кг. минерал ўғит етказиб берилди.

*Ногирон,  
якка-ёлғиз ва кам  
таъминланган  
оилаларнинг  
93 тасига шаҳар  
прокуратураси  
томонидан моддий  
ёрдам кўрсатилди.*

Худуддаги мавжуд 66 та кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларида мавжуд муаммоларни бартафат этиш борасида доимий равишда амалий ёрдам кўрсатиб борилмоқда. Хусусан, 2019 йилнинг январь-февраль ойлари давомида ширкатлар уюшмаси таркибидида 12 та кўп қаватли уйлар таъмирланиб, уларга 14 та кузатув камералари ўрнатилиб, таъмирга муҳтож бўлган 0,8 км. ички йўللарга асфальт қопламаси ётқизилди. 15 км. йўл четлари тозаланиб, 12 миң тўпдан зиёд манзарали дарахт ва гул кўчатлари экилди.

2015-2016 йилларда юртимизда чинозлик "Аҳмадбой"нинг довруғи дoston бўлган эди. Халқ орасида "Аҳмадбой"нинг пулни икки баравар қилиб қайтариб бериши ҳақидаги хабар яшин тезлигида тарқалгач, унинг молиявий пирамидаси ўз атрофига минглаб фуқароларни тўплаганидан барчамиз хабардоримиз.



## ЧИНОЗДА «ЯНГИ ПИРАМИДА»

Ўша пайтда жуда кўпчилик фуқароларимиз унинг "қўпайтириш амали"дан фойда олишга умид қилган эди. Аммо одамларнинг бу орзуси ушалмади. Негачи, 2016 йилнинг ёзида "Аҳмадбой" номи билан танилган чинозлик молиявий пирамида асоссиз Аҳмаджон Турсунбоевнинг ноқонуний фаолияти фoш этилган эди.

Жорий йилнинг 4 апрель куни эса жиноят ишлари бўйича Куйи Чирчиқ туман суди биносидида судланувчилар Аҳмаджон Турсунбоев ва бошқаларга (судланувчиларнинг умумий сони — 16) нисбатан жиноят ишининг тергов билан аяунланган қисмини кўриб чиқиш бўйича очик суд бўлиб ўтди.

**Хали "Аҳмадбой иши" якунига етмай туриб, жиноятга жазо муқаррар экани кундек равшан бўлиб турган бир вақтда Чинозда "Янги Аҳмадбой" пайдо бўлди. У ким, нега янги Аҳмадбой дерсиз? Куйида унинг қилмишларини баён қиламиз.**

Бoш прокуратура ҳузуридида Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаментининг Чиноз туман бўлими томонидан яна бир молиявий пирамидида ташкил этган шахс кўлга олинди. Босит Хўжаев (исм-фамилияси ўзгартрилган) ҳам пул топшининг осон ва ноқонуний йўлини танабл, фуқароларнинг ишончига қиради.

У "Аҳмадбой сценарийси" асосида фуқаролардан пул, автомашина, қорамол ва бошқа қимматли буюмларни икки баробар қилиб қайтариш эвазига қабул қилиб олаверади. Вақт ўтгани сайин унинг "мижоз"лари ҳам кўпайиб бораверади. Айнан шунинг ҳисобига Б.Хўжаевнинг фаолияти кенгайверади.

Ишини шу тарикада давом эттирган Аҳмадбойнинг издоши қисқа вақт ичида 3 миллиард 42 миллион 302 миң сўм пул йиғишга эришади. Мазкур маблағларни легаллаштириш мақсасида дастлаб "Samara Group" масъулияти чекланган жамияти ташкил қилади ва банкдан ҳисоб рақам

Азаматжон САЙДАВУТОВ,  
Департаментнинг Чиноз туман бўлими бошлиғи

очиб, жиноий фаолиятдан олинган 402 миллион 472 миң сўм маблағни "молиявий ёрдам" сифатида киритади. Ташкил этилган МЧЖга 8 донна "Нексия" русумли автомашина сотиб олади.

Йиғилган маблағнинг 248 миллион 996 миң сўмини эса "Elegant Stroy" акциядорлик жамияти ташкил қилиб, унинг низоом жағмарасини шакллантириш учун банкдаги ҳисоб рақамига киритади. Мазкур маблағ ҳисобидан яна республикамизда ишлаб чиқарилган 12 та турли русумдаги автомобилларни харид қилади.

Қолганини нима қилган дейсизми? Жамиятларга киритилган улшлардан ортганига ўзи учун турли кўчмас мулк объектлари, яъни турли бўш бинолар, кум олиш карьерлари харид қилади.

Суриштирув жараёнида маълум бўлишича, бу шахсга пул берганлар сони салкам 350 нафарни ташкил этган. Б.Хўжаевга нисбатан (Фирибгарлик, жуда кўп миқдорда валюта қимматликларини олиш, ўтказиш, ноқонуний тадбиркорлик, савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш) фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятларини қасддан содир этиш каби айбовлар билан жиноят иши кўзга тилиб, суд ҳукми билан тегишли жазо тайинланди.

Шу ўринда, ақли расо кишиларни бир савол ўйлантириши табиий. Негачи одамлар халқ орасида катта шов-шувга сабаб бўлган "Аҳмадбой иши"дан хабардор бўлиб туриб ҳам, яна у каби қимсаларнинг тегирмонига сув қуйишмоқда? Негачи улар осонгина бир сўмини 2 сўмга айлантираман, деб боридан ҳам айрилиб қолишдан кўрқимаяпти?..

*Сектор  
худудидида  
«Жамоатчилик  
кутубхонаси»  
ташкил этилди.*

нинг ўтган даврида сектор худудидида истиқомат қилувчи шундай оилаларнинг 93 тасига шаҳар прокуратураси томонидан моддий ёрдам кўрсатилди. Бунинг натижасида бугунги кунга қадар кам таъминланганлар рўйхатида турган 31 та оиланинг турмуш даражаси ахшиланганлиги сабабли улар бу рўйхатдан чиқарилди.

Сектор аъзолари томонидан маҳалла фуқаролар йиғинларида уйма-уй юриш жараёнида аҳолига "Хар бир оила — тадбиркор" Дастури юзасидан олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида фуқаролар томонидан банк муассасаларидан имтиёзли кредит маблағлари олиб, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган 11 нафар фуқарога 218,7 миллион сўм миқдоридида имтиёзли кредит маблағлари ажратилиши таъминланди.

Сектор худудидида меҳнатга лаёқатли ишсиз фуқароларни аниқлаш ва уларни доимий иш билан таъминлаш мақсасида шаҳар прокуратурасининг ташаббуси билан икки марта "Бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси" ташкил этилди. Меҳнат ярмаркаларида шаҳарда фаолият кўрсатувчи 100 дан ортқ ташкилотлар ўзларидидаги бўш иш ўринлари билан иштирок этиб, 41 нафар фуқаро ишга жойлашди.

Сектор худудидидаги ижтимоий соҳа объектлари, жумладан, 5 та шифохона, 3 та оилавий поликлиника, 9 та мактабгача таълим муассасалари, 8 та умумтаълим мактаблари ва 1 та академик лицейда мавжуд муаммолар доимий равишда ўрганилиб, зарур амалий ёрдам кўрсатилди.

Хусусан, 32-сонли мактабгача таълим муассасаси ва 21-умумтаълим


Тошкент вилоятида жарима тўламасдан юрган ҳайдовчиларни аниқлайдиган «AUTO CON» мосламаси ишга туширилди.



Газетамизнинг 2019 йил 28 февраль 9-сонида чоп этилган "Почтачини кўрган борми?" сарлавҳали мақолада тизимдаги муаммолар баён этилиб, шулар қатори, Ўзбекистон почтасининг Тошкент вилояти Келес туманлараро почта алоқа боғламасига қарашли почта бўлимларининг аянчли аҳволига ҳам тўхталиб ўтилган эди:

"Ўзбекистон почтасининг Тошкент вилояти Келес туманлараро почта алоқа боғламасига қарашли почта бўлимларининг ҳолатларини ўрганиш мақсадида Зангиота туманидаги Хонобод алоқа бўлимига бордик. Мазкур қишлоқ шаҳарнинг шундоқ биқинида жойлашган бўлса-да, ҳудуддаги алоқа бўлими жойлашган бино ғариб аҳволга келиб қолган. Ичкарига кирсангиз, ўзингизни 20-асрга тушиб қолгандек ҳис этасиз. Томидан чакка ўтиб кетган, хона совуқлиги боис, бўлим ходимлари қалин кийимларида аҳолига хизмат кўрсатишмоқда. Бўлим ҳеч қандай замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланмаган.

Қисқаси, на ходимларга ва на мижозларга шароит яратилган. Келес туманлараро алоқа боғламаси (исм-фамилиясини келтиришимизни истамаган) ходимнинг айтишича, айна вақтда 1 та марказий ва жойларда 45 та алоқа бўлими фаолият олиб бораётган бўлиб, улар жойлашган биноларнинг аксариятида ҳам шароит юқоридагидай. Қибрай туманидаги "Оқолтин" ҳамда Тошкент туманидаги "Кўктерак" алоқа бўлимлари жойлаштирилган бинолар авария ҳолатига келиб қолганлиги боис, ходимлар кўчада фаолият олиб бораётган экан. Энг афсусланарлиси, ходимлар уч ойдан буён маош олмаган".



**Ж**орий йилнинг 12 март куни тахририят томонидан Тошкент вилояти ҳокимиятига мазкур муаммони ўрганиб, тегишли чора кўрилиши учун хат жўнатилган эди. Афсуски, ордан бир ойдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, жавоб ололмадик. Демак, муаммо муаммолигича қолмоқда!

Мақолада тилга олинган ҳолатлар билан яна бир бор танишиш мақсадида Келес туманлараро почта алоқа боғламаси билан боғландик. Исм-фамилиясини ошкор қилишни истамаган алоқа бўлими ходимаси бизга газетда мақола чоп этилгандан сўнг дарҳол ходимларнинг ойлик иш ҳақлари тўлаб берилганлигини, лекин ҳудудлардаги почта бўлимлари жойлашган биноларнинг аҳволи ҳамон ўша-ўшалигича эканини баён этди. Шунингдек, маош вақтида берилмаганлиги боис, ходимларнинг кўпчилиги ишдан бўшаб кетаётганлигини ҳам иттифоқ қилди.

Почта алоқа боғламасидан олинган маълумотларга кўра, учта, яъни Қибрай, Зангиота ва Тошкент туманлари аҳолисига хизмат кўрсатувчи мазкур филиалнинг штат бирлиги 118 тани ташкил қилади.

**Етарли шарт-шароитлар йўқлиги, иш ҳақининг камлиги сабабли малакали почтачилар ишдан бўшаб кетмоқда.**

Айни вақтда унинг чорак қисми бўш эканлигини билдиришди. Сабаби эса маошнинг камлиги, боз устига иқтисодий қийинчиликлар гирдобида қолган мазкур тизимда ходимларнинг иш ҳақлари вақтида берилмаслиги...

Жорий йилнинг биринчи чорагида эгаларига етказиш учун Келес туманлараро почта алоқа боғламаси ва унинг жойлардаги бўлимларига қарийб 40 мингта хат келиб тушган. Шундан 14 мингтаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан йўл ҳаракати қоидаларини бузган фуқароларга жўнатилган. Гувоҳи бўлганингиздек, шунча хатни эгасига етказиш учун почта ходимларидан катта жавобгарлик талаб этилади. Бу хатлар вақтида манзилига етказилмаса, фуқароларнинг кўпга сарсонгарчиликлари сабаб бўлиши тайин. Аммо айни вақтда 500 минг сўм атрофи-

# «ПОЧТА»ГА ЭЪТИРОЗ БИЛДИРИЛМОҚДА

## ЁХУД ТЎЛОВ УЧУН ТЎЛОВ ҚАНЧАЛАР АСОСЛИ

Камолитдин АСКАРОВ,  
«НУҚУС»

да маош олаётган почтачи бундай масъулиятни ҳис қилади-ми...? Қолаверса, тизимда фаолият олиб бораётган ходимларга етарли шарт-шароитлар яратиб берилмаганлиги, иш ҳақининг камлиги сабабли малакали почтачилар ишдан бўшаб кетмоқда. Ходимлар етишмаслиги эса хатларнинг эгасига етказилишида муаммоларни юзага келтирмоқда.

Келес туманлараро почта алоқа боғламасига қарашли Шўро бозор алоқа бўлимига борганимизда фуқароларнинг мазкур тизим билан боғлиқ норозилигига сабаб бўлаётган яна бир ҳолатга гувоҳ бўлдик. Жойлардаги почта бўлимларида фуқаролардан истеъмол қилинган электр ва газ учун тўловлар қабул қилинишидан хабарингиз бор. Лекин истеъмол қилинган газ учун тўлаган пулингизнинг юз фоизи ўз ҳисоб рақамингизга тушмаслигидан ҳам хабардормисиз?

Келес туманлараро почта алоқа боғламасининг маълум қилишича, фуқаролардан электр энергияси учун тўланган пуллар юз фоиз истеъмолчининг ҳисоб рақамига ўтқа-

зилади ва почта тармоқлари орқали тўланган пул маблағларининг 4 фоизи хизмат ҳақи ҳисобига электр тармоқлари корхонаси томонидан почтага берилади. Аммо газ учун тўланган маблағ истеъмолчининг ҳисоб рақамига ўтказиб берилишида 2 фоизи хизмат ҳақи ҳисобига почтада ушлаб қолинар экан!

— Почта бўлимига газ учун 1 миллион 700 минг сўм тўладим. Лекин шу пулдан почта ходимлари 34 минг сўмини ушлаб қолиб, қолганини ҳисоб рақамимга ўтказишди, — дейди Шўро бозор алоқа бўлими орқали истеъмол қилинган газ учун тўлов қилган фуқаро Зухра ая. — Нима учун хизмат ҳақи фуқаролардан ушлаб қолинмоқда? Ахир почта бўлимига ўзимиз келиб

тўловни амалга оширган бўлсак...

— Почта бўлими уйимга яқин бўлгани учун электр ва газ пулларини шу ерга тўлайман — дейди шу ҳудудда яшовчи фуқаро Йўлдош Асомов. — Бу йил юртимизга киш анча илик келгани боис, табиий газ учун ҳар ойда 300-350 минг сўм тўлов қилдим. Утган йил эъда эса 100 минг сўм атрофида тўловни амалга оширганман. Айни вақтдаги нархнаводан келиб чиқадиган бўлсак, бир йилда ўртача табиий газ учун 2,5-3 миллион сўм тўлайман. Аммо шундан 50-60 минг сўмини почта олиб қўйди. Нима учун почтанинг

*Газетда мақола чоп этилгандан сўнг дарҳол ходимларнинг ойлик иш ҳақлари тўлаб берилди.*

хизмат ҳақи истеъмолчидан олиниши керак?


Дарҳақиқат, ўринли эътирозлар. Маълум бўлишича, 2017 йилнинг 7 июлида "Ўзбекистон почтаси" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АҚ ўртасида аҳолидан табиий газ тўловларини қабул қилиш шартини бўйича келишув тузилган. Унга кўра, "Ўзбекистон почтаси" АЖнинг ҳудудий филиаллари аҳолидан истеъмол қилинган табиий газ учун тўланган сумманинг 0,1 фоизини хизмат ҳақи қилиб олиши белгиланган. Аммо бу фоиз почтага "кам"лик қилган шекилли, 2018 йилнинг 6 февраль куни ушбу келишувга ўзгартириш киритилиб, яна бир қўшимча келишув имзоланган ва 0,1 фоиз хизмат ҳақи 2 фоизга оширилган.

Хизмат ҳақи нима учун оширилди ва умуман, истеъмолчидан тўлов учун фоиз олиб қилиниши қанчалар асосли? Бу саволга "Ўзбекистон почтаси" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АҚдан тегишли жавоб кутиб қоламиз.

Хулоса ўрнида ўтган йили Тошкентдаги ИНХА университетида бўлиб ўтган "MICRO-ADMAP 2018" анжуманида Почта алоқаси ва инфокоммуникация бўйича консалтинг гуруҳи раҳбари Е.Биргернинг "Ўзбекистон почтаси"нинг бугунги аҳволи ҳақидаги фикрларини келтириб ўтишни лозим топдик: Айни вақтда почта хизмати ўлгани ҳақидаги гаплар бекор, у ривожланган мамлакатларда давлатнинг муҳим институти сифатида қайта туғилиб бўлган. Ўзбекистондаги ҳолатга тўхталар эканмиз, МДХ давлатлари билан таққослаганда ҳам, аҳвол жуда ноҳор. Айни пайтда Ўзбекистонда почта йўқ бўлиб кетиш арафасида турибди. Нима сабабдан? Почтачилар яхши ишламаяптими? Ҳолатни ўргандим, фидойи мутахассислар бор. ...Сабаб шундаки, давлатнинг тараққиёти йўлида почтанинг рол ҳисобига олинмаяпти. Почта бу — ўлаётган соҳа эмас, давлатнинг муҳим институти эканини инобатга олиш зарур.



**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ислам тараққиёти банки билан ҳамкорликда ОТМларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича 60,5 миллион АҚШ долларлик янги лойиҳани амалга оширади.**



# УЗОҚ КУТИЛГАН ЕНГИЛЛИКЛАР НИШОНАСИ

Сўнгги пайтларда ижтимоий тармоқлар орқали "Ўзавтосаноат" АЖ фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида автосалонларнинг ўзидан автомобилларни муддатли тўловга бериши ҳақидаги хабарлар тарқалган эди. Шу боис АЖ билан боғландик ва ушбу масалага ойдинлик киритишни сўраш баробарида компаниянинг фаолияти, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар ҳамда келгусидаги режалар билан қизикдик. Муружаатимизга "Ўзавтосаноат" АЖнинг матбуот хизматидан қуйидагича жавоб олдик.

Бугунги кунда "Ўзавтосаноат" АЖ олдида компания фаолияти самарадорлигини ошириш, ишончли маҳсулот ва хизматлар яратиш, рентабеллигини ошириш, инновацион ечимлар қўллаш орқали, мижозлар эҳтиёжларига мослашувчан ёндашувни таъминлаш каби янги вазифалар турибди. Компаниянинг асосий фаолияти транспорт воситалари ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш ҳамда автомобиллар сотиш бўлиб, бундан ташқари, "Ўзавтосаноат" АЖ тузилмасида велосипедлар, спорт инвентари, пойабзал ишлаб чиқариш корхоналари, шуниингдек, таълим муассасалари ҳам мавжуд.

## Автомобиллар сотуви тизимида АКТ

2019 йилда Kiricar.uz автомобиллар сотуви электрон платформаси ишга туширилиб, автомобиллар хариди янада соддалашди. Эндиликда харидорларга қулай бўлиши учун, корхона дилерлари томонидан сайёр консультант бепул хизмати тақдим этилади. У шартномани мижоз учун қулай бўлган исталган жойга етказиш ва зарур бўлса, мижозга тўловни амалга ошириш учун банкка боришида ҳамкорлик қилади. Шуниингдек, Kiricar.uz платформасида автосалондан тест-драйв ўтказиш учун буюртма топшириш имконияти мавжуд, у автомобиль маркасини

тўғри танлаганига ишонч ҳосил қилишга ёрдам беради. Эслатиб ўтайти, автомобиллар сотувининг бундай электрон тизими 2018 йил августидан ҳам жорий этилган эди. Тизим Uzavtosavdo.uz сайти ва мобил илова кўринишида тақдим этилган бўлиб, улар ташқи аралашувнинг олдини олиш имконини беради, шаффофликни, мижоз учун исталган тўлов туридан фойдаланиш ва мижозга автомобиль тақдим этиш навбатини очик аниқлаш имконини таъминлайди.

## Чегирмалар ва муддатли тўлов дастурлари

Истеъмолчиларни қўллаб-қувватлаш ва маҳсулот сотувини рағбатлантириш мақсадида, жорий йилнинг I чорағида "Ўзавтосаноат" АЖ томонидан қатор акциялар ва чегирмалар ташкил этилди. Жумладан, "Ўзагросуғурта" АЖ билан ҳамкорликда энгил автомобилларни муддатли тўлов асосида - Chevrolet Lacetti автомобиллини фозисиз 1 йил муддатга ва Chevrolet Malibu ҳамда Tracker автомобилларини 2 йил муддатга харид қилиш дастурлари ишлаб чиқилди. Шуниингдек, байрам чегирмаларини тақдим этиш ҳам аънава тусига кирди. Чунончи, Malibu ва Tracker автомобилларини сотиб олишни истовчи харидорлар учун 3 фозизлик байрам чегирмалари тақдим этилди. Акция жорий

йил 19 мартдан 31 мартгача амалда бўлди. Енгил автомобиллардан ташқари, огир техника харидорлари учун ҳам қулай шароитлар яратилди. Акция жорий йил бошидан 21 мартгача давом этди. Унинг шартларига кўра, "Ўзавтотрейлер" МЧЖдан КАМАЗ 5490 "Neo" энг янги тягачини сотиб олишда харидор совғага Chevrolet Cobalt автомобиллини олиши ёки ярим тиркама учун автомобиль қийматига тенг чегирмага эга бўлиши мумкин бўлди.

"JV MAN Auto-Uzbekistan" МЧЖ ҚҚ томонидан ҳам қатор чегирмали ва акцияли таклифлар амалга оширилди. Техникани пайтирилган нархларда ёки кредитлар дастури асосида қулай шартларда сотиб олиш имконияти берилди.

## Янги йўналишлар

Харидорларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида, жорий йил март ойида Тошкент шаҳрида "Nurafshon Avtocentr" мультибренд автосалони филиали очилди. Ушбу сотувлар шохобчасида маҳаллий автосаноат корхоналари - "GM Uzbekistan", "SamAvto", "JV MAN Auto - Uzbekistan" ва "UzAuto" маҳсулотларини харид қилиш учун шартнома расмийлаштириш мумкин. Шуниингдек, "GM Uzbekistan" автомобилларини сотиш шохобчаси Тошкентда — машхур "Samarkand Darvoza" савдо марказида ҳам очилди. Савдо-кўнгилочар мажмуанинг 2-қаватидаги заводнинг дилерлик тармоғи вакиллари орқали автомобилларни сотиб

олишга шартномаларни тузиш мумкин, у ерда яна сотувда мавжуд автомобиллар ҳам тақдим этилган.

## НХХлардаги ўзгаришлар

2019 йил 8 апрелда Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 1390-3 сонли "Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида"ги буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бошқарувининг 2004 йил 26 июлдаги 1390-сонли "Ақсизга тортиладиган товарлар айрим турларини ишлаб чиқариш ва сотиш ҳисобини юритиш тизими тўғрисидаги Вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қўйма қарорининг амал қилиши тўхтатилди.

Аввалда, ушбу норматив ҳужжатга мувофиқ, ишлаб чиқарувчи корхона билан дилерлик келишуви имзолаган расмий дилерлар фақат тўловни амалга оширган юридик ёки жисмоний шахс номигагина маҳаллий энгил автомобилли харид қилиш маълумотнома-ҳисобини расмийлаштиришлари мумкин эди. Бундан ташқари, дилерлар мижозлар билан ҳисоб-китобларни фақат тижорат банклар, жумладан, хизмат кўрсатувчи банклар томонидан расмий дилерлар автосалонларида очилган минимал банклар орқали амалга оширишга мажбур бўларди.


Хозирда тўлов борадидаги барча чекловлар олиб ташланди. Шундай бўлса-да, савдода ўзаро ҳисоб-китобнинг умумий тартибига ўтиш режалаштирилмапти. Бу факт тўловда шартноманинг рақами ва бошқа тафсилотларини кўрсатиш билан боғлиқ, у техник жиҳатдан фақат тижорат банклари филиалларидагина мумкин бўлади.

Фағружон АЛИМОВ,  
"Нуқод"

BILASIZMI?

## Ишлаб чиқариш фаолияти

2019 йил I чорағидаги ишлаб чиқариш кўрсаткичлари  
(2018 йил I чорағига нисбатан ўсш)



## Жамоат жойларида нималар тақиқланади?

Жамоат жойларида қуйидаги хатти-ҳаракатларни содир этиш маъмурий ёки жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Бу ҳақда "Ҳуқуқий ахборот" канали хабар берди.



### Жамоат жойларида қуйидагилар тақиқланади:

- тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш, шуниингдек, чилим ва электрон сигареталар чекиш;
- уятли сўзлар билан сўқиниш, ҳақоратомўз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг оёсийишталлигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларни содир этиш;
- алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш;
- тиланчилик қилиш;
- рўйхатдан ўтказилмаган байроқлар ва вимпеллардан фойдаланиш;


— ит ва мушукларни тумшукбоғсиз ва етовсиз олиб юриш.

Иш жойларида, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, ёнғин чиқиш хавфи бўлган жойларда, шу жумладан, автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаларида ва бошқа жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш энг кам иш ҳақининг учдан бир қисми (67 минг 600 сўм) миқдориди жарима солишга сабаб бўлади (бундан тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш учун махсус ажратилган жойлар ва хоналар мустасно).

Ўзбекистоннинг "Ravon" бренди Россиянинг "Derways" заводи билан ўз моделларини черкес корхонасида йиғиш бўйича келишув имзолади.







# АМАЛДОРНИНГ АМАЛИ ЭЗГУЛИК БЎЛСИН

## ЙЎҚСА УНИНГ ЗАВОЛИ МУҚАРРАР

**Обрў-эйтибор мисқоллаб ййгилади. Унинг замирида қанчадан-қанча захматли меҳнату изланиш ётади. Аммо нафс ботқоғига ботган киши шунча машаққат эвазига қўлга киритган обрўсини бир лаҳзада соғуриб юбориши ҳеч гап эмас.**

**Жасур ТУРСУНОВ,**  
Миришкор туман прокурори

ят бир қарорга келиб, розилигини айтди...

Орадан бир неча кун ўтиб, Дилшода Бобоёрга кўнғироқ қилиб, пул тайёр эканини маълум қилди. Бобоёр пахта йиғим-терими масаласида иш билан юрганини билдириб, кейинроқ учрашишини айтди. Бироздан сўнг Дилшодага кўнғироқ қилиб, тумандаги таълим муассасаларидан бирида эканини айтиб ва манзилни тушунтирди. Кўп ўтмай, Дилшода мактаб ҳовлисида пайдо бўлди ва Бобоёрга кўнғироқ қилди. «Хожатбарор» ичкаридан чиқиб келди.

Сўхбат қисқа бўлди. Дилшода пулни узатиб, иши қачон ҳал бўлишини сўради.

— Шу бугуннинг ўзидаёқ буйруқ чиқади ва сиз боғча мудираси бўласиз, — дея ваъдани куюқ қилди Бобоёр.

Дилшода зарур иши борлигини айтиб, ховлиққанича хайрлашди. Пулларни чўнтагига жойлаган Бобоёр мактабга қайтаётиб, фуқаролик кийимидаги бир неча кишига дуч келди. Улар Бобоёрга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорадан эканини айтиб, ҳужжатларини кўрсатишди...

Ҳа, Дилшода вақтида тегишли идораларга хабар берган эди. «Хожатбарор» мансабдор жиноят устида қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Миришкор тумани судининг очик суд мажлисида кечагина нуфузли давлат идорасида кўр тўкиб ўтирган мансабдор Бобоёр Холиқовнинг мазкур жиноят иши тафсилотларига ойдинлик киритилди. Судда Бобоёр барча кирдикорларига иқрор бўлди. Унинг жинояти инкор этиб бўлмас бир қатор далиллар билан ҳам ўз исботини топди.

Суд ҳукмига кўра, Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан Бобоёр Холиқов бир йил муддатга моддий жавобгар ва мансабдор шахс вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, унга нисбатан уч йил озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Амал деганларини биз мансаб маъносида тушуниб, ўрганиб қолганмиз. Аммо унинг бирламчи маъноси иш демакдир. Яъни амалдорлик, энг аввало, халқнинг хизмати, элнинг қорига яраш демакдир. Зинҳор-базинҳор бирорнинг қўлига қараш эмас...

«Қудачилик — минг йилчилик», дейишади. Аммо кейинги пайтларда ёш оилаларнинг арзимеган бақоналар билан ажрашиши кўпайиб бормоқда.

Баъзан катталарнинг тирноқ остидан кир қидириши муқаддас кўрғоннинг дарз кетишига сабаб бўлмоқда.

## ҚУДА-АНДАЛАР ЖАНЖАЛИ

Раҳим ака (исмлар ўзгартирилган) олтамиш ёшдан ошган отахон. Бир ўғил ва бир қизи бор. Муқаддам қасдан одам ўлдириш жиноятини содир қилиб, 15 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган эди. Айти пайта судланганлик ҳолати тугалланган, мавсумий ишчи. Қизи Олимани узатганига энди тўрт ой бўлди.

Маърифат унинг қудаси. Олимани ўғли Жафарга келин қилган.

Бир куни Олима ишхонадан чиқиб, ота ҳовлисида борди. Уйига кеч келди. Унинг ота уйига борганидан Жафар хабардор эди. Лекин Олима унга «ишдан келяпман» деб, ёлгон гапирганида ҳақли чиқди. Улар ўзаро жанжаллашиб, бир неча кунлаб гаплашмай юришди.

Бу орада Олима эрининг аввал ҳам уч марта оила қурганини билиб қолди, аввалги никоҳ расмларини топиб олди. Хўрлиги келди. Бу ҳақда аввалроқ айтмагани учун эридан ҳақли чиқди. Уйда ҳеч ким йўқлигида фуқаролик паспортини олиб, чиқиб кетди. Тўғри дугонасининг хонадонига борди.

Маърифат опаси ва ўғлини олиб, қудасиникига борди. Воқеадан хабарсиз бўлган қудаси қизи уйга келмаганини айтиди. Аввалига унга ишонилмади. Хоналарни бир-бир кўриб чиқишга, аччиқлашиб кетишди. Улар кетгандан кейин Олима келди.

Раҳим ака қуввининг ўтмишидан хабар топиб, қудаси ва Жафарни буралатиб сўқди. Оиласини маҳалла-қўй олдида шарманда қилганликда айблади ва улар билан «ҳисоб-китоб» қилиш мақсадида қудасиникига йўл олди.

— Қизим энди бу уйга қадамини босмайди! — деб бақирди.

— Нега келмас экан? Бориб келинимни олиб келаман, — деди Маърифат.

— Борсангиз оёбингизни синдираман, — дея зарда билан чиқиб кетди.

Раҳим ака уйига келгач, тонг отгунча қудаси ва қуввидан қандай ўч олишни ўйлаб, тўлғониб чиқди. Режасини амалга оширишининг минг хил йўлини ўйлаб кўрди. Кун ёришгунча бетоқат бўлди.

Эрталаб яна қуввиникига борди. «Гаплашиб олишимиз керак», деб қувви ва қудасини ёнига қақирди. Кутилмаганда сўрига энди ўтира-

**Аъзам БУРАНОВ,**  
Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

ётган Маърифатнинг қорнига пичоқ урди. Кейин қуввига ташланди. Эрта тонгдан хонадонда дод-вой бошланди. Жафар ҳам ошхонага кириб, пичоқ олиб чиқди. У ҳам қайнотасининг бир-икки жойини жароҳатлади. Қайнота билан қуввининг пичоқлашаётганини кўрган Маърифат ўғлини ҳимоя қилиб, жон ҳолатда қудасига ёпишди. Пайтдан фойдаланган Жафар қайнотасига мушт тушириб, ерга йикитди. Совуқ қуролига ишониб келган Раҳим ака нақвирон йигитнинг зарбаларидан сўнг ўзини йўқотди ва ниятини охирига етказолмади.

Кўз очиб юмгунча шунча дилхиралик содир бўлди.

Жафар онасини йўловчи машинада шифохонага олиб кетди. Раҳим акани тез ёрдам машинасида элтишди.


Суд ҳукми билан Раҳим ака 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Жафарга ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Аслини олганда, Раҳим ака қаторлар неваралар ардоғида қарилик гаштини суряпти. У эса нуруний ёшга етса-да, ҳанузгача ҳаётнинг ўнқир-чўнқир йўлларидан ўзини қандай тутишни билмади. Алам устида келган қизига бир оғиз ширин сўз айтиб, изига қайтариш ўрнига жоҳилликка қўл урди.



# Қарздор оталар "қисмати"



## FAOLIYATIDAN

2018 йил 9 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун билан Жиноят, Оила кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган алимент масала-

сига оид нормаларга ўзгартиришлар киритилди, улар янги моддалар билан тўлдирилди. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга кўра, алимент тўлашдан бўйин товлаш 15 суткага маъмурий қамоққа олиш ёки маъмурий қамоқ қўлланилиши мумкин бўлмаган шахсларга энг кам иш ҳақининг йигирма баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Шунингдек, биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, агар у маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш жараёнида алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни ихтиёрий равишда тўлаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.

Жиноят кодексига кўра, моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ (олдин икки ой эди) муддат мобайнида тўламаслик, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса - икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади. (Янги тахрирда 122-модда-

нинг санкциясидан жарима ва мажбурий жамоат ишлари тарихасидаги жазолар чиқарилган). Шунингдек, шахс алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни тўлиқ тўласа, жавобгарликдан озод этилиши ҳам белгиланган. Ташкент шаҳар Миробод туманлараро судининг 2016 йил 29 февраль кунги суд буйруғига асосан қарздор Б.Мансуров (исм-фамилиялар ўзгартирилган)нинг алиментдан 23 ой тўланмаган қарздорлиги мавжуд бўлиб, 8 миллион 551 минг 665 сўмни ташкил қилган. Фарзандининг таъминоти учун тўланиши керак бўлган али-

**Давлат РАЖАБОВ,**  
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бўлим бош инспектори

мент тўловларини тўлашдан қасддан бўйин товлаб келган қарздор ота Б.Мансуровга 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланди. Шунингдек, яна бир фуқаро — Б.Салимовнинг алиментдан бўлган қарздорлиги 7 миллион 645 минг 096 сўмни ташкил этган. 4 нафар фарзанди учун алимент тўлашдан қасддан бўйин товлаб келган бу шахсга ҳам маъмурий қамоқ жазоси қўлланилди.

**Оила риштасининг узилиши, ота-онанинг ажралиши фарзандлар руҳиятига таъсир кўрсатмай қолмайди. Ҳар қандай дил жараҳати битиши мушкул. Қолаверса, ёлғиз отанинг фарзандларини оёққа турғизиши осон кечмайди.**

## Таъминот меҳр ўрнини боса олмайди

**Жавохир РУСТАМОВ,**  
МИБ Қувасой шаҳар бўлими давлат ижрокчиси

Худудлардаги маҳалла фуқаролар йиғинларида ажримларнинг олдини олиш, имкон қадар яраштириш борасида ишлар олиб бориладигани. Айни чоғда алимент тўлашдан қасддан бўйин товлашнинг ҳуқуқий оқибатларини кенгроқ тарғиб қилиш мақсадида тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, "Богбон" ва "Ёшлик" МФИда бўлиб ўтган йиғилишларда 2018 йил 9 январь кунги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишга оид киритилган ангилликлар ҳақида маълумот берилди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўшимча модда киритилгани, биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш жараёнида алимент бўйича қарздорликни ихтиёрий тўлаган бўлса, жавобгарликдан озод этилиши каби нормалар билан тўлдирилганлиги қайд этиб ўтилди.

**Салкам беш йил давомида тўланмаган алимент миқдори 44 млн. сўмдан ошиб кетган.**

Ўзаро келишмовчиликлар туфайли рафиқаси билан бирга яшамай қўйган қувасойлик Э.Абдурагимов фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг 2010 йил 8 апрель кунги буйруғига биноан вояга етмаган фарзандларининг таъминоти учун 4 йилу 8 ой мобайнида алимент пулини тўлаган. Сўнгра, огоҳлан-тиришларга қарамай турли воя-корсонлар билан алимент тўлашдан бўйин товлаб келган. 2015 йил январь ойидан буён жами 44 миллион 760 минг сўм алимент пулларини тўламаган Э.Абдурагимовга нисбатан маъмурий жавобгарликка оид иш қўзғатилди.

МИБ Қувасой шаҳар бўлими биносида бўлиб ўтган очик сайёр суд мажлисида Э.Абдурагимов доимий ишда ишламагани туфайли алимент пулларини тўлай олмаётганини, қарзини тўлашга имконияти йўқлигини, пушаймонлигини баён этди. Жабранувчи М.Абдурагимова фарзандларига алимент тўловидан бўйин товлаб келган ҳуқуқбузарга қонуний чора кўришни сўради.

Суд ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган моддий зарарни ундириш бўйича ижро ҳаракатлари давом эттириляётганини инобатга олган ҳолда Э.Абдурагимовга 15 сутка маъмурий қамоқ жазосини тайинлади.

Қонунда юқоридагидай таъсир чораси қўлланилгандан кейин ҳам ижро иши юритилиши давомида зиммасидаги мажбуриятини бажаришдан, вояга етмаган фарзандлари таъминотидан бўйин товлаганларга жиний жавобгарликка тортишга қатъий чора қўрилиши белгиланган.

## Истеъмомолчилар янги тизимдан фойдаланади

**Дўстбек СУЛАЙМОНОВ,**  
МИБ Самарқанд вилоят бошқармаси катта инспектори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 ноябрдаги "Электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жадал жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига кўра, аҳоли ҳамда улгуржи истеъмомчиларнинг электр энергия истеъмолини назорат қилиш, ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими жорий этилди.

Бу борада ўтган йили биргина Гўзалкент қўрғонида мазкур тизимни рўйга чиқариш учун Янгиобод, Қорасув, Қўшқудук, Пахтакор маҳаллаларида жадал ишлар олиб борилди. Жумладан, 5,3 километрлик эски электр симлари янги, замонавий химоя қобигига эга симларга алмаштирилди. Шунингдек, 4 та трансформатор ўрнатилди, 90 та темирбетон таянч келтирилди.

Ҳозирги кунда Самарқанд шаҳрида янги электр ҳисоблағичларни ўрнатиш ишлари олиб борилаётган. Мазкур дастур "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти ҳамда Жанубий Кореянинг "KT Sorogation" компанияси билан биргаликда ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ҳозирга қадар 60 минг донадан ортиқ янги электр ҳисоб-

лағичлар олиб келинган. Қабул қилинган "Йўл харитаси"га асосан жорий йил ёз фаслининг бошларига келиб, шаҳар худудидаги барча истеъмомчилар янги тизимдан фойдаланади.

**Янги технология электр энергиясига ноқонуний уланишларнинг олдини олишга хизмат қилади.**

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, жорий этиляётган янги технология энергия етказиб беришда энергоресурсларнинг техник ва тижорий жиҳатдан исроф бўлишига йўл қўймайди. Бундан ташқари, ҳисоб-китобларнинг ушу биллинг тизими электр энергиясига ноқонуний уланиш-

ларнинг олдини олади, истеъмомчиларга фойдаланилган энергия ҳақида аниқ маълумотлар беради. Коммунал тўловлардаги қарздорликларга мутлақо чек қўяди. Муҳими, назорат қилувчиларнинг буромадларини қисқартиради ҳамда электр

энергияси беҳуда сарфланишини камайтиради.

Самарқанд худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан қисқа вақт ичида 50 мингга яқин истеъмомчилар хонадонига янги замонавий ҳисоблағичлар ўрнатиш режалаштирилган.

## 420 миллион сўмлик зарар

**Ислол РАҲИМОВ,**  
МИБ Юнусобод туман бўлими бошлиғи ўринбосари

Бюронинг Юнусобод туман бўлими томонидан жорий йилнинг март ойида юридик ташкилотларнинг электр энергиясидан фойдаланиш интизоми текширилганда, иссиқлик қуввати таъмирлаш корхонаси худудида шартнома асосида ўз фаолиятини олиб бораётган жамиятлар томонидан электр ҳисоблағич ўрнатмасдан, умумий электр тармоғига тўғридан-тўғри уланиб, электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиб келинаётгани аниқланган. Натижада иссиқлик қуввати таъмирлаш корхонаси туман электр таъминоти корхонасига 420 миллион 825 минг 456 сўмлик моддий зарар етказган.

Мазкур ҳолат юзасидан Бюронинг Юнусобод туман бўлими томонидан иссиқлик қуввати таъмирлаш корхонасининг мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди, ҳозирда суриштирув ва тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.



## Соҳа ходими бўла туриб...

**Шоҳрухбек ШУКУРЛАЕВ,**  
МИБ Андижон вилоят бошқармаси инспектори

Мажбурий ижро бюроси Избоскан туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган назорат тадбирида туманнинг Тўртқўл маҳалласи, Шахристон кўчасидаги хонадонларнинг бирида электр ҳисоблағичдан ташқари электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиб келинаётганлиги ҳолати аниқланди.

Буни қарангки, ушбу хонадон электр таъминоти корхонаси ходими Т.М.га тегишли экан. Соҳа ходими бўла туриб, бундай ноқонуний хатти-ҳаракат содир этиши натижасида фуқаро Т.М. туман электр таъминоти корхонаси манфаатларига 6 миллион сўмдан зиёд зарар етказган.

Бюро ходимлари томонидан етказилган зарар миқдори тўлиқ ундирилди ҳамда электр таъминоти корхонаси ходимига нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 101-моддаси билан энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдорида жарима жазоси тайинланди.



Самарқанддаги Амир Темур мақбарасида Марказий Осиёда биринчи smart-музей очилди. Ҳозирда ўнта кўргазма учун 5 тил – рус, ўзбек, инглиз, француз ва корейс тилларида овозли қўлланма мавжуд.



“Қизим Назоқатхон кўли гул чевар. У тиккан болалар либослари, айниқса, байрамларга мўлжалланган кийимларга талаб кўп. Болажонлар учун айикполдон, куенча, тулкиой ёки шолғомни эслатувчи қувноқ либосларга буюртма бериш учун кўшни туманлардан ҳам излаб келишади. Кейинги вақтларда буюртмалар кўплигидан бир ўзи улгурмаётган эди. “Агробанк”дан берилган 11 миллион сўмдан зиёд маблағ ишимиз ривожига кўл келмоқда. Уч йилга берилган бу кредит эвазига биз учта тикув машинаси харид қилиб, янги иш ўрни очдик”.

# “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастурида Агробанк ҳам фаол



Бу Наманган вилояти Чуст туманида яшовчи Насиба Эркабоевнинг дил сўзлари эди.

Жорий йилнинг 28 февраль — 1 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Наманган вилоятига ташрифидан сўнг вилоятда “Ҳар бир оила — тадбиркор” ҳаракати кенг қулоч ёймоқда.

Ҳар бир ҳудуд хусусияти ва имкониятидан келиб чиқиб, янги корхоналар ташкил этиш, иш ўринлари яратиш, бунёдкорликнинг барча йўналишларини юксалтиришга оид топшириқлар ижросини таъминлаш, хусусан, Чуст туманида оилалар манфаатдорлигини оширишда “Агробанк” ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Жорий йилнинг 1 апрель кунига

қадар “Агробанк” АТБнинг Чуст филиали томонидан 477 та оиллага 8,1 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. “Ҳар бир оила — тадбиркор” давлат дастури доирасида берилган ушбу маблағлар кўпгина оилалар манфаатдорлигини ошириш билан бир вақтда соҳалар юксалишга ҳам хизмат қилмоқда.

Оилаларга тақдим этилаётган кредит маблағлари аниқ мақсадларга йўналтирилмоқда. Яъни, хонадонларда тикувчилик, тўқувчилик ишларини йўлга қўйиш, иссиқхоналар барпо этиш, чорва моллари боқиш, паррандачилик, балиқчилик, қуёчилик, асладарчилик билан шуғулланиш ва бошқа қатор йўналишларда тадбиркорлик билан шуғулланиш учун тақдим этил-

моқда. Мисол учун, 27 миллион сўм кредит олган Меҳринисо Мираҳимова туяқушчиликни ривожлантириш мақсадида туяқуш жўжаларини харид қилди. Ҳабибулла Ободов олинган 12 миллион 220 минг сўм эвазига наслик қорамол харид қилди.

— Кичик майдонда қурилган қўлбола иссиқхонада маҳсулот етиштирадиган, — дейди Чуст тумани Карнон қишлоғида яшовчи Абдулла Мадалиев. — Замонавий иссиқхона маҳсулот маблағимиз етмасди. Яқинда банк ажратган қарийб 15 миллион сўм эвазига замонавий иссиқхона қурдик. Ҳисобкитобимизга кўра, уларнинг ҳар бири ўртача 5 килограмм ҳосил берса, уни ўртача 5 мингдан сотсак ҳам яхшигина даромад кўраимиз. Майнинг боши-

да бодринг, октябрда эса кўкатлар етиштириш ниятидамиз. Шу тариқа бир йилда уч марта ҳосил олса бўлади.

“Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури катта кичикни бирдек ҳаракатга келтириб қўйди. Ким билан суҳбатлашманг, тадбиркорлик билан шуғулланиб, нафақат оиласига, балки жамият ривожига ҳисса қўйиш ниятида эканини айтади. Айниқса, ушбу дастур аҳоли зич яшайдиган Наманган вилоятида муҳим масала — бандлик муаммосини ҳал этиш билан бирга, аҳоли хонадонларининг даромадини оширишда кенг имкониятлар яратмоқда.

“Агробанк” АТБ матбуот хизмати



## Қатардаги мундиалга борамизми?

ФИФА Қатарда ўтадиган жаҳон чемпионатида 48 та жамоа иштирок этишини истамоқда. Гарчи мезбонлар бунга тайёр эмаслигини билдираётган бўлса-да, ФИФА раҳбари Жанни Инфантино ўз фикридан қайтмоқчи эмас.

Унинг режасига кўра, Қатар қабул қилишни истамаган ўйинларни бошқа мамлакат ўтказиши мумкин. Аммо муаммо шундаки, ён-атрофдаги давлатларнинг аксарияти бу мамлакат билан яхши муносабатда эмас. Хусусан, иқтисодий жиҳатдан бой бўлган БАА, Саудия Арабистони ва Баҳрайн айнан шу муаммо туфайли ЖЧ мезбонлигини қабул қилишдан бош тортиши мумкин.

Эътиборли жиҳати, гарчи ЖЧ-2022 иштирокчилари сони кўпайгани билан Ўзбекистон миллий жамоасининг мундиалга чиқиши эҳтимоли барибир қийинлигича қолади. Боиси, жаҳон чемпионатининг Осиё учун ажратиладиган қўшимча квоталари эҳтимолий мезбон мамлакатларга насиб этади.

Бундай ҳолатда қолган давлатлар барибир аввалгидек “4+1” ўринлар учун курашда давом этади. Яъни саралашда энг яхши натижа қайд этган 4 жамоа тўғридан-тўғри мундиалга йўл олади, яна бир жамоа қитъалараро плей-оффда иштирок этиши керак. Бу эса Ўзбекистон миллий терма жамоасининг мундиал йўлланмасини кўлга киритиш йўлидаги ишини осонлаштирмайди.

## Янги юлдузнинг хоҳиши

Португалиянинг “Бенфика” клуби ҳужумчиси Жоау Фелиш ўзига жиддий қизиқиш билдираётган “Ювентус” жамоасига ўтишга рози, деб хабар тарқатди Calciomercato.

Манба маълумотига кўра, 19 ёшли иктидор эгаси уни ўз сафида кўришни истаётган “Манчестер Сити”, “Манчестер Юнайтед” ва “Реал” клубларидан кўра, “Ювентус” жамоасининг лойиҳасига кўпроқ қизиқиш билдирмоқда.

Қўшимча қилинишича, Жоаунинг агенти Жорже Мендеш ва “Юве” раҳбарияти ўртасида илиқ муносабатлар мавжуд. Агент “Бенфика” клуби билан шартнома узайтирилишига қарши бўлмоқда. Битимда Фелишнинг трансфер қиймати 120 миллион евро, деб кўрсатилган. Аммо Лиссабон клуби келишувни янгилаш орқали бу микдорни 200 миллионга оширишни мўлжалламоқда.

Эслатиб ўтамиз, аввалроқ “Бенфика” клуби Фелиш трансфери юзасидан туриналиклар клубининг 75 миллион евролик таклифига рад жавобини бергани хабар қилинганди.

Маълумот учун, Жоау “Порту” клуби тарбияланувчиси ҳисобланади. У портуликлар академиясида 7 йил шуғулланиб, сўнг пойтахтга йўл олган ва “Бенфика” таркибига қўшилган. Унинг профессионал футболдаги дебюти шу мавсум бошига тўғри келди. Ҳозирга қадар Фелиш Португалия чемпионатининг 21 та ўйинида 11 та гол ва 6 та самарали узатма муаллифи бўлган.



## Де Лигтга беш йиллик шартнома

Каталонияликлар “Аякс” клуби химоячиси Маттейс Де Лигтни ўз таркибига қўшиб олиш учун унга беш йиллик битим таклиф қилмоқчи, деб хабар бермоқда AS нашри.

“Барселона” клуби Де Лигт борасида “Манчестер Сити”, “Ювентус” ва ПСЖ, шунингдек, “Бавария” жамоалари ўртасидаги рақобатда ютиб чиқиш учун химоячига бирданга беш йиллик шартнома таклиф қилиши мумкин.

Томонлар ўртасида қандай келишувлар бўлиши ҳали оидинлаштирилмаган бўлса-да, “кўк-анорранг-лилар” томонидан 19 ёшли футболчи учун юборилган битимни қабул қилган захоти амстердамликларга таклиф юбориши ҳамда химоячи билан 2024 йилгача бўлган шартномага имзо чекади.

Эслатиб ўтиш жоизки, аввалроқ Де Лигт қайси клубга ўтиш борасида бир қарорга келгани ҳақида ҳам хабарлар тарқалган эди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

## Ўтганларнинг охираги обод бўлсин

Бош прокуратура ҳузурлидаги Махбурий ижро бюросининг Сергели туман бўлими жамоаси бюронинг туман бўлими давлат ижросини

Ноҳир ХАТАМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.